

МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТҮГРИСИДА ШАРТНОМА №25/Г

2022 йил “28” январь

“Nova vita trade” масъулияти чекланган жамияти, бундан буён “Товар етказиб берувчи сотувчи” дномланувчи, Низомга асосланиб фаолият юритувчи Корхона директори Ф.Каримов оркали б томондан, кейинги ўринларда “Сотиб оловучи” деб аталадиган Низомга асосланиб фаолият юритув Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси бошлиги Н.А.Сайдова иккинчи томондан куйидагилар хусуси мазкур шартномани туздилар.

1. Шартнома предмети

- 1.1. Етказиб берувчи мазкур шартномадаги тартиб ва шартларда келгусида “Махсулот” де номланадиган (Ностерил тиббий қўлқоп бир маротаба ишлатиладиган размер М) ни топшириш, соти оловучи эса шартномада курсатилган махсулотларни қабул қилиб олиш ва уларнинг хаккини тулаш мажбуриятини олади.
- 1.2. Етказиб берилаётган товарларнинг турлари, микдори ва баҳоси ушбу шартномага илова қилинга спецификациядаги келирилади.
- 1.3. Шартноманинг умумий киймати: 22 000 000.0 (Йигирма икки миллион сум) 00 тийин ҚҚС си сўмни ташкил этади.
- 1.4. Мазкур шартнома имзоланган кундан Буюртмачи етказиб берувчига шартнома кийматининг 30% микдори; аванс пули ўтказади, ушбу киймат: 6 600 000.0 (Олти миллион олти юз минг) сўмни ташкил этади.
- 1.5. Бажарилган ишлар учун 70% туловлар етказиб берувчи томонидан тақдим килинган хисоб фактуралар асосида амалга оширилади.
- 1.6. Махсулотнинг яроқлилик муддати 12 ойни ташкил этади.

Мазкур шартноманинг муддати 2022 йил “28” январдан 2022 йил 31 декабргача амал килади.

2. Етказиб бериш шартлари

- 2.1. Махсулотнинг номлари, сифати, ассортимента, нархи ва бошка тавсифларни томонлар келишига оладилар ва мазкур шартноманинг ажралмас кисми хисобланган, Спецификациядаги курсатадилар. Кай этилган коидалар мазкур шартномада ўрнатилган муддатларда амал килади. Ушбу коидаларга узгариш в қушимчалар томонларнинг розилиги билан амалга оширилади.
- 2.2. Етказиб берувчи мазкур шартнома имзоланган пайтдан бошлаб ва сотиб оловучи олдиндан амалга ошириган тулов микдорида ҳамда унинг буюртмаси асосида тегишли ассортиментдаги ва кийматдаги махсулотни у омборидан тулов утказилган кундан бошлаб 10 кун ичida сотиб оловчига беради.
- 2.3. Етказиб бериш санаси булиб сотиб оловчига махсулотнинг ҳар бир туркуми топширилган сан хисобланади махсулотга мулк ҳукуки ушбу махсулот туркуми сотиб оловчига топширилган пайтдан бошлаб сотиб оловчига утади.

3. Томонларнинг ҳукук ва мажбуриятлари

- 3.1. Етказиб берувчи куйидагиларга амал килиши шарт:
 - 3.1.1 Сотиб оловчининг сировига кура унга Товарлар ва уларнинг ассортимента хакидаги ва бошк ахборотни тақдим этиш.
 - 3.1.2 Сотиб оловчи танлаган Товарни етказиб бергунга кадар етказиб берилаётган товар киймати, унг эгалик килиш ва қўллаш билан боғлиқ етказиб берувчига маълум узгаришлар хақида сотиб оловчини хабардор қилиш.
 - 3.1.3 Товарларга доир зарур хужжатларни расмийлаштириш ва сотиб оловчига топшириш.
 - 3.1.4 Махсулотни спецификацияларга мувофик етказиб бериш.
 - 3.1.5 Товарлар тулиқ етказиб берилмагандан ушбу камчилик аниклангандан пайтдан бошлаб 5 кун давомида ёки сотиб оловчининг розилиги билан жорий давр муддати доирасида келгуси туркум етказиб берилаётганда етишмаётган микдорнинг урнини қоплаш.
 - 3.1.6 Товарларни учинчи шахсларнинг исталган ҳукук ва даъволаридан холи равишда етказиб бериш.
 - 3.1.7 Товарларни учинчи шахсларнинг исталган ҳукук ва даъволаридан холи равишда етказиб бериш.
- 3.2. Сотиб оловучи куйидагиларни амалга ошириши шарт:

- 3.2.1 Етказиб берилиш лозим булган хар бир махсулот туркумларига уларнинг ассортименти ва микдору буйича олдиндан буюртма бериш.
- 3.2.2 Мазкур шартноманинг 4 булимига мувофик улар хакини олдиндан тулаш ва махсулотни Етказиб беручининг омборидан келишилган вактда кабул килиш.
- 3.2.3 Етказиб берувчига ваколатли шахснинг имзоси ва корхона мухри куйилган ишочномани тақдим этиш хамда тегишли тартибда расмийлаштирилган товар юк хатининг бир нусхасини кайтариш.
- 3.3 Сотиб оловчи куйидагиларни амалга оширишга хакли: махсулотнинг номи, микдори, сифати, ва ассортиментини аниклаш.
- 3.3.3 Бу хакда етказиб берувчини хабардор килган холда етказиб бериш муддати утган ёки сифати талабга мос булмаган махсулотни кабул килишдан бош тортиш.
- 3.4 Томонлар Узбекистон Республикаси конун хужжатлари ва Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодексига мувофик бошка хукукларга эга ва бошка мажбуриятларни зиммаларига оладилар.

4 Нархлар ва хисоб-китоб килиш тартиби

- 4.1 Махсулот нархлари мазкур етказиб бериш шартномасининг ажралмас кисми хисобланувчи Спецификацияларда белгиланади.
- 4.2 Олдиндан тулов хар бир етказиб берилаётган махсулот туркуми кийматининг 1.2, 1.3 бандларини ташкил этади.
- 4.3 Нарх ва олдиндан толовнинг исталган равишда узгартирилишига факат Томонларнинг розилиги билан урнатилган тартибда расмийлаштирилишдан сунг йул куйилади.
- 4.4 Мазкур шартноманинг 4.1 - бандига кура кулланадиган нархлар махсулотларни етказиб беришга доир харажатларни, шу жумладан, уров ва маркалаш киймати, солик ва мажбурий толовларни, шунингдек етказиб берувчининг мазкур шартнома шартларини бажариш билан бодлик бошка харажатларини узичига олади.
- 4.5 Сотиб оловчи Етказиб берувчининг банк хисоб ракамига мазкур шартноманинг 4.2-бандида назарда тутилган олдиндан толовни мазкур шартноманинг 3.2.1-бандида назарда тутилган буюртма берилган пайтдан бошлаб 5 банк куни ичидаги амалга оширади.
- 4.6 Етказиб берилган махсулотлар буйича хисоб-китоблар пул маблагларини етказиб берувчининг банк хисоб ракамига утказиш йули билан амалга оширилади.
- 4.7 Етказиб берувчининг банк хисоб ракамига тегишли микдордаги пул маблаглари утказилгандан кейин сотиб оловчининг мажбурияти ижро этилган деб хисобланади.

5 Махсулот сифати

Етказиб берувчи сотиб оловчига узи етказиб беряётган махсулотлар сифати белгиланган стандартларга мувофик келишини кафолатлайди.

6 Махсулотни топшириш-қабул қилиш

- 6.1 Махсулотларнинг хар бир туркумини кабул килаётганда сотиб оловчи уларнинг номи, микдори, ассортимента ва сифати буйича юк хати ва илова килинувчи хужжатларда курсатилган маълумотларга мувофиқлигини текширади (шу жумладан, мазкур шартнома ва буюртмага мувофиқлигини текшириш хам шунга киради).
- 6.2 Махсулотлар туркумини топшириш-қабул қилиш тугаганда сотиб оловчи томонидан юк хати имзоланади, унинг имзоланиши текширув тулик хажмда утказилганинг англашади.

7 Томонларнинг жавобгарлиги

7.1. Лозим даражада булмаган махсулотлар етказиб берилган тақдирда сотиб оловчи етказиб берувчига куйидагилар хакида талабларни куйишга хакли:

- харид нархини мутаносиб равишида камайтириш;
- Махсулотлардаги камчиликларни макбул муддатда бепул бартараф этиш;
- Махсулотлар камчиликларини бартараф этишга сарфланган харажатларни коплаш.

7.2 Агар етказиб берувчи мазкур шартномада назарда тутилган микдорда махсулотларни етказиб бермаган ёхуд сотиб оловчининг сифатсиз махсулотларни белгиланган муддатда алмаштириш хакидаги талабларини бажармаган булса, сотиб оловчи етказиб берилмаган махсулотни бошка шахслардан сотиб олиб, уларни харид килишга сарфланган барча зарур ва окилона харажатларни етказиб берувчининг

зиммасига юклашга хакли.

- 7.3 Сотиб олуви лозим даражада булмаған махсулотлар хакини тулашдан бош тортишга, агар бундай махсулотлар хаки туланган булса, туланган суммаларни кайтаришни талаб килишга хакли.
- 7.4 Сотувчи шартнома бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда, заарни коплаш ва неустойка тўлаш сотувчини мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.
- 7.5 Товарларни тўлиқ етказиб бермаганинг ёки етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборганлик учун неустойка пеня шаклида ундирилади. Бунда пенянинг микдори ҳар бир етказиб берилмаган ёки етказиб бериш муддатлари бузилган товарлар умумий микдорининг 0,5% (фоизи) микдорида мажбурият амалд бажарилгунга қадар ундирилади.
- 7.6 Томонларнинг бошка холлардаги жавобгарлиги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофик белгиланади.

8 Низоларни хал этиш тартиби

- 8.1. Мазкур шартномани бажариш давомида юзага келиши мумкин булган низо ва ихтилофлар Томонла уртасида имкон қадар музокара утказиш, шу жумладан низони хал килишининг даъво бериш йул билан хал этилади.
- 8.2 Низо ва ихтилофларни музокаралар утказиш ва даъволар бериш йули билан хал этиб булмаган тақдирда Томонлар уларни тегишли Тошкент шахар туманлараро иктисадий судида куриб чикиш учун даъво аризалари киритадилар.

9 Коррупцияга қарши шартлашув

9.1 Томонлар:

Томонлар, уларнинг аффилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши қурашиб соҳасидаги Ўзбекисто Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёк коррупция характеристига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки; бериш ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита рози бўлиш хатти харакатлари/харакатсизликларини содир этмайдилар.

Томонлар, уларнинг аффилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошка Томоннин ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан шу жумладан пу сўммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки; бу ходи ёкти ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти харакатларни/харакатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан во кечадилар деб маълум қиладилар.

9.2 Томонлар ушбу шартноманинг 9.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки соди этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу хақда иккинч Томонни чабардор қилиш, коррупция билан қурашиб соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганини фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжудбўлга ҳолда эса —амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардо килиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

10 Форс-мажор холатлари

- 10.1 Томонлар мазкур шартномани имзолагандан кейин фавқулодда холатлар натижасида юзаг келган, Томонлар олдиндан била олмайдиган, окилона чоралар билан бартараф эта олмайдига хамда Томонлар уз мажбуриятларини лозим даражада ижро этиш учун барча тахминий ва узлариг бўглик булган чораларни курганларида енгиги булмас куч (форс-мажор) холатлари юз бериш окибатида ушбу шартнома шартларини бажармаганлик ёхуд лозим даражада бажармаганликларин исботласалар, бунинг учун жавобгар булмайдилар.
- 10.2 Томонлар форс-мажор холатлари юзага келгани хакида бир-бирларини улар юзага келга пайтдан бошлаб 5 кун давомида хабардор қилишлари шарі.
- 10.3 Форс-мажор холатлари юзага келганда мазкур шартнома шартларини бажариш муддати бунда холатлар ва уларнинг окибатлари давом этадиган даврга утказилади.

11 Бошка шартлар

11.1 Мазкур шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

11.2 Мазкур шартномага узгартериш, күшимча киритиш ва муддатидан олдин бекор килиш ёз келишув асосида ёки суд органининг хал килувчи карорига кура амалга оширилади

- 11.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусхаси тенг ва бир хил кучга эй Томонларнинг хар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси сакланади.
- 11.4. Мазкур шартнома буйича талаб килиш хукукини бир Томон факат бошка Томоннинг ёзи розилиги билан учинчи шахсларга бериши мумкин.
- 11.5. Томонлар узларининг жойлашган жойлари ва бошка реквизитлари узгаргани хакида ул узгарган санадан бошлаб 10 кундан кечиктирмай бир-бирларини хабардор килиш мажбуриятин оладилар. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча холларда Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига риоя киладилар.

Томонларнинг юридик манзиллари ва бошқа реквизитлари

Етказиб берувчи

“Nova vita trade” МЧЖ

Манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани

Алгоритм дахаси Г-35 47- уй

Тел:(+99897) 410 71 73

х.р: 20208000100798096001

Банк: ПСБ АТБ Ал-Хоразмий ф-л коди: 00434

СТИР: 305039904 ОКЭД: 46460

Корхона директори

Ф. Каримов



Сотиб олувчи

Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси

Манзили: Чиланзар 25-мавзе 47-уий

тел: +998 71 271-30-41

л/с 100022860262627072110054006

МФО 00014 ИНН 300 156 114

Банк: МБТШХКМ

Молия вазирилиги Ғазначилиги

х/р 2340200030010001010 ИНН 20112291



Н.А.Сайдова

Спецификация №1 от “28” январь 2022 йил

Махсулот етказиб бериш түғрисида шартнома №25/Г от “28” январь 2022 йил

Етказиб берувчи: “Nova vita trade” МЧЖ

№ П/П	Махсулот номи	Үлчов бирлиги	Сони	Нархи	Микдори
1	Ностерил тиббий күлкөп размер M	дона	20 000	1100,00	22 000 000,0
Жами:					22 000 000, 0

Шартноманинг умумий қиймати: 22.000 000.0 (Йигирма икки миллион сум) 00 тийин ККС сиз сўмини ташкил этади.



Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси

N.A.Saidova

Yuridik shaxs to`g`risida ma`lumot
 (Ro`yxatdan o`tkazuvchi va vakolatli organlar ma`lumoti asosida shakllantirildi)

Umumiylumot

INN:	305039904
Ro`yxatdan o`tkazuvchi organ:	Davlat xizmatlari markazi
Davlat ro`yxatidan o`tkazilgan sana:	29.08.2017
Davlat ro`yxatidan o`tkazilgan raqami:	539853
Yuridik shaxsning nomi:	"NOVA VITA TRADE" mas'uliyati cheklangan jamiyati
Tashkiliy-huquqiy shakli:	152 - Mas'uliyati cheklangan yoki qo'shimcha mas'uliyatli jamiyat
IFUT kodi:	46460 - Farmatsevtika tovarlari ulgurji savdosi
DBIBT kodi:	79994 - Davlat va xo'jalik boshqaruvi organlari tarkibiga kirmagan tadbirkorlik sub'yeqtleri

Kichik tadbirkorlik mansubligi:	sub`ektlariga
Faollik holati:	Ha
Ustav fondi:	faoliyat ko'rsatayotgan
Boshqaruvchi haqida ma`lumot	10 000 000,00 UZS
Rahbarning F.I.SH.:	FERUZ KARIMOV SHUXRATOVICH
Rahbarning STIR:	471463263
Ta'sischilar va ularning ustav fondidagi ulushi haqida ma'lumotlar	

1. KARIMOV FERUZ SHUXRATOVICH	100,00
2.	
3.	
4.	
5.	

Kontakt ma`lumotlari	
Elektron pochta manzili:	golden424@mail.ru
Aloqa telefoni:	974107173
MHOBT kodi:	1726294 - Toshkent shahri, Chilonzor tumani
Ko'cha, uy, xonadon:	ALGORITM DAXASI, G35-MAVZE, 47-UY, 16-XONA

03/02/2022 uchun amal axborot



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

TOSHKENT SHAHAR ADLIYA BOSHQARMASI

UCHTEPA TUMAN

YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

100131, Toshkent shahri, Uchtepa tumani, 26-mavze, 1B-uy.

E-mail: Uchtepayurmarkaz@adliya.uz.

**ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН-
ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТҮҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ
ХУЛОСА**

1.Лойиҳанинг тури: №25/Г-сонли шартнома

2.Лойиҳанинг номи: “Маҳсулот етказиб бериш түғрисида”ги шартнома.

3.Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот:

Тошкент шаҳар Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси кейинги ўринларда «Сотиб олувчи» деб юритиладиган Низом асосида иш юритувчиномидан Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Н.А.Сайдова биринчи томони хисобланади ва иккинчи томони “Nova vita trade” МЧЖ, бундан буён “Товар етказиб берувчи сотувчи” деб номланувчи, Низомга асосланиб фаолият юритувчи Корхона раҳбари Ф.Каримов томонидан тузилган шартнома.

4.Шартноманинг умумий қиймати түғрисида маълумот:

22 000 000.0 (Йигирма икки миллион сум) 00 тийин ҚҚС сиз сўмни ташкил этади.

Мазкур шартнома имзоланган кундан Буюртмачи етказиб берувчига шартнома кийматининг 30% миқдори; аванс пули ўтказади, ушбу киймат: 6 600 000.0 (Олти миллион олти юз минг) сўмни ташкил этади.

Бажарилган ишлар учун 70% туловлар етказиб берувчи томонидан такдим килинган хисоб-фактуралар асосида амалга оширилади.

Маҳсулотнинг яроқлилик муддати 12 ойни ташкил этади.

Мазкур шартноманинг муддати 2022 йил “28” январдан 2022 йил 31 декабргача амал киласи.

Ушбу шартнома лойиҳаси қонун талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни тузиш мақсадга мувофиқ деб хисоблайман.

5.Шартномани тузишига асос: Фуқаролик кодексининг 6, 353-363, 364-366, 437-438-моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг “Ҳўжаслик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси түғрисида”ги Қонунининг 10-моддаси.

Учтепа туман Юридик хизмат
қўреатиши маркази бошлиғи



Ш.Эшимов

Туман тиббиёт бирлашмаси марказий кўп тармоқли поликлиникаси томонидан бюджет маблағларни мақсадли ишлатилиши юзасидан ўтказилган

5-Y2022-сонли йигилиш баёни

2022 йил 28 январь

Тошкент шахри

Раислик қилувчи:

Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи,
Н.А.Сайдова

Қатнашдилар:

Ишчи гурух аъзолари (руйхат бўйича)

(Н.А.Сайдова, П.Т.Ергешова, Д.А.Махаматова, Ў.Хамроева, М.Зарипова)

КУНТАРТИБИ:

Комиссия раиси Н.А.Сайдова сўзга чиқиб, санитария-гиgiene коидаларига риоя килиниши юзасидан ҳамда бош хамшира М.Зарипованинг эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда марказий кўп тармоқли поликлиниканинг бюджет маблағлари ҳисобидан “Ностерил тиббий қўлқоплар”, харид қилиш мақсадида белгиланган тартибда ва меъёрий-хуқукий хужжатлар талаблари асосида ажратилган маблағларни тўғри ва самарали йўналтириш тўғрисида ишчи гурух аъзоларини таништириб ўтилди.

Комиссия аъзоси П.Т.Ергешова сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги 3953-сонли қарори 18-бандига асосан давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид килинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳамда марказий кўп тармоқли поликлиникага мурожаат килаётган аҳолининг барча қатламларига малакали сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида 20 000,0 (йигирма минг) дона “Ностерил тиббий қўлқоп размер M”, 1,100 (бир минг бир юз сўм), миқдоридан харид қилиш юзасидан тўхталиб ўтдилар.

Комиссия аъзоси бош хамшира М.Зарипова сўзга чиқиб “NOVA VITA TRADE”, “DISPRO”, “APTECHKA MED”, масъулияти чекланган жамиятлари томонидан нарх таклифлари келиб тушганлигини билдириб ўтди.

ООО “NOVA VITA TRADE”	22 000 000 сўм, KKC сиз
ООО “DISPRO”	23 600 000 сўм, KKC сиз
ООО “APTECHKA MED”	24 200 000 сўм, KKC сиз

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Бош бухгалтер (Д.А.Махаматова) зиммасига харажатлар сметасида ушбу мақсадларда назарда тутилган режали ажратилган маблағлар хисобидан 20 000,0 (йигирма минг) дона “Ностерил тиббий құлқоп размер М”, 1,100 (бир минг бир юз сүм миқдоридан), “NOVA VITA TRADE” масъулияты чекланган жамияти билан, умумий миқдори 22 000 000 (йигирма икки миллион) сүмлик ҚҚС сиз икки томонлама шартнома имзолаш мақсадга мувофиқ деб хисоблансын.

Ажратилган маблағларни мақсадлы сарфланиши, хисоби түғри юритилиши, кирим қилиниши, тегишли харажатлар моддасида ҳар ойнинг хисбот санасида акс эттирилиши бўйича ҳар бир ишчи гурӯх аъзолари масъул эканлиги инобатга олинсин.

Учтепа туман тиббиёт бирлашмаси башлиги

Н.А.Сайдова



П.Т.Ергешова

Д.А.Махаматова

Ишчи гурӯх аъзолари:

Ү.Хамроева

М.Зарипова

«АРТЕСНКА МЕД»

Общество с ограниченной ответственностью

г. Ташкент, Юнусабад 9-кв-л, дом 14, кв-35. Тел. 97-412-42-89.
Р/с 20208000300816054001, АКИБ «Ipoteka-Bank» Мехнатский ф-л г.Ташкента, МФО 00423.
ИНН 305141224, ОКПД 46460, Код НДС 326030040031

№ 15
"28" 8 сивор 2022 г.

Руководителю предприятия

Коммерческое предложение

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи	Сумма
1	Ностерил тиббий қўлқоп размер M	дона	20000	1 210	24 200 000

Директор Амиров О.Х.





СВИДЕТЕЛЬСТВО

О государственной регистрации юридического лица
(субъекта предпринимательства)

Настоящим подтверждается, что в Единый государственный реестр субъектов предпринимательства внесена запись о создании

Общество с ограниченной ответственностью "ARTECHKA MED"

(Полное наименование юридического лица – субъекта предпринимательства с указанием организационно-правовой формы)

ООО "ARTECHKA MED"

(Сокращенное наименование юридического лица)

20.11.2017

За регистрационным номером

554022

(Число месяца (пробелами) года)

Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН)

55141224

Организационно-правовая
форма

Общество с ограниченной ответственностью

Местонахождение:

город Ташкент, Юнусабадский район 9-MAVZERI-YU-45-XONADON,

Свидетельство выдано:

город Ташкент, Юнусабадский район, ЦЕНТР
ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ

(Полное наименование регистрирующего органа)





Серия №:

Ўзбекистон Республикаси Содикни саклаш вазирлиги

ЛИЦЕНЗИЯ
15282 - сони

Фармацевтика фантигини амалга ошириш хукукига

табер дери асигитларини улутуржи реализацияни қилир ни амалга ошириш хукукини берувчи үзбү
лицензия **МЕДИКА MED** масъутиятин чеклансан жамият та берилди.

Жойлашгав жоин (почта мансизли): Ўшкент шахар, Кудсабод тумани, 9 мавзе, 13 уй, 45 конадон.

Солик туловчининг идентификацияни рагами ўТИР:

305141224

Лицензия берилган сана:

21.09.2018г

Амал китоби муддати:

21.09.2023г

Лицензиянинг реестр буйича тартиб рақами: 13862 18

Ваколатни шахс:

Б.К.Юспалиев

Данный документ является копией электронного документа, сформированного в соответствии с Положением о Едином портале интерактивных государственных услуг, утвержденным постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 2017 г. № . Для проверки достоверности сведений, указанных в копии электронного документа, перейдите на веб-сайт ебор.соз.uz и ведите уникальный номер электронного документа, либо просканируйте QR-код с помощью мобильного устройства. Внимание! В соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 2017 г. № , сведения, содержащиеся в электронных документах, являются легитимными. Государственным органам категорически запрещено отказывать в принятии копий электронных документов, сформированных на Едином портале интерактивных государственных услуг.



0396

“DISPRO”
МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТ



“DISPRO”
LIMITED
LIABILITY
COMPANY

100115, Тошкент ш. Чилонзор т. Арнасой күчаси 10А уй. Факс: 71 277-44-02, Тел: 99 495-44-14, email:dispro2018@gmail.com
Х/Р: 20208000900843151001 МФО:01095 АТБ “Asia Alliance Bank” ИИН: 305297924

№ 12

2022 г. “28” декабрь

Коммерческое предложение!

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи	Сумма
I	Ностерил тиббий құлқоп размер M	дона	20000	1 180	23 600 000

С уважением,
Директор:



Акбаров Д.З.

